

АДАБИЁТДА – ЎЗ АЙТАР СЎЗИНГ ВА ОВОЗИНГ БЎЛСИН!

О.Норов,

Қашқадарё ВХТХҚТМОИ

Тил ва адабиёт таълими кафедраси ўқитувчиси

Кейинги пайтларда бадий адабиётда хийла кўзга ташланиб қолган «баъзи» муаллифлар борки, улар ҳеч бир ўзи қилаётган ишнинг оқибатини ўйламасдан «тўғридан-тўғри» сатрма-сатр матнни кўчириб «ўзиники» қилиб эълон қилаётирлар. Бу ҳол адабиётшунослик илмида ҳам кўзга ташланмоқда. Ёзувчилар уюшмаси ташаббуси билан «Кафтдаги ниҳол» номли ёшлар баёзи тўплами чоп қилинди. Ушбу тўпламнинг «Адабий тадқиқотлар» фаслида Нафосат Ўроқова «Бугунги ўзбек дostonларига хос услубий изланишлар» дея номланган каттагина мақоласининг жуда кўп ўринларидаги «мунозарали» назарий мушоҳадалар филология фанлари доктори Ҳотам Умуровнинг «Адабиётшунослик назарияси»(Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, Т., 2004 й. 245-246 бетлар.) дарслигидан сўзма-сўз кўчрилган, яъни ўзлаштирилган. Масаланинг моҳиятини ойдинлаштириш мақсадида қуйидаги лавҳани келтириш мумкин. Ҳотам Умуров ўз дарслигида услуб ҳақида шундай ёзади:

«Ҳаётнинг ана шу бетакрор қонунидан келиб чиқсак, иккита бир хил ёзувчи(шоир)нинг бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки, яратилган ҳар бир инсоннинг ички ва ташқи тузилиши ўзига хос бир оламки, унинг бетакрорлиги ўзлигида мужассам этилган. Шунга асосан ҳар бир санъаткорнинг олами – ҳаётини тажрибаси, билим даражаси, диди, гўзалликни кўра билиши, тасаввури, ҳаёлот дунёси, қалб кўзи ўзигагина тегишлидир ва ана шу ўзлик унинг ҳар бир асарида аксланади»(245-бет.)

Ёки:

Нафосат Ўроқова «Кафтдаги ниҳол» китобдаги мақоласида юқоридаги парчани кўчириб ёзади:

Дарҳақиқат, иккита бир хил ёзувчи(шоир)нинг бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки яратилган ҳар бир инсоннинг ички ва ташқи тузилиши ўзига хос бир оламки, унинг бетакрорлиги ўзлигида мужассам этилган. Шунга асосан, ҳар бир ижодкорнинг олами – ҳаётини тажрибаси, билим даражаси, диди, гўзалликни кўра билиши, тасаввури, ҳаёлот дунёси, қалб кўзи ўзигагина тегишлидир ва ана шу ўзлик унинг ҳар бир асарида аксланади.(Н.Ўроқова, 204-б.)

Мақолада бундай эътирофлар кейинги мулоҳазаларида ҳам давом эттирилади. Жумладан, Ҳ.Умуров ўз дарслигидаги қуйидаги қарашлар бунга ёрқин мисол бўла олади:

Услуб бир вақтнинг ўзида – мазмун ҳам, шакл ҳам, ғоя ҳам, мотив ҳам. Буларнинг барчаси бирлашганда асар бутунлигини услуб таъминлайди. Шунга кўра ёзувчи услубини сўзга, тилга – улардан фойдаланишдаги ўзига

хосликка боғлаб қўйиш ноўриндир. Тўғри, адабиёт – сўз санъати, тил адабиётнинг биринчи элементи бўлса-да, услубни юзага келтирувчи воситалардан бири – зарурий элементи саналади.

Услубни юзага келтирувчи энг зарур омиллардан бири – санъаткорнинг ҳаётни, ҳаётнинг моҳиятини, унинг қаъридаги ҳақиқатни тадқиқ ва таҳлил қила билиши билан боғлиқдир. Инсон руҳиятининг бой ва яширин сирларини, уларнинг туб эстетик қимматини кашф этиш санъати – руҳият билимдонлиги билан бевосита алоқадордир.

Демак, услуб – ёзувчининг воқелик ва инсонни идрок қилиши, уларнинг қалбидаги ҳақиқатнинг кашф этиши ва уни сўз воситасида образли ифодалай олиши бу вазифаларни индивидуал («ўзига хос») тарзда яратиш санъатидир(246-б).

Ҳ.Умурувнинг юқоридаги назарий фикрларини Нафосат Ўроқова шундай кўчиради:

Услуб бир вақтнинг ўзида ҳам мазмун, ҳам шакл, ҳам ғоя, ҳам мотивдир. Буларнинг барчаси бирлашганда асар бутунлигини услуб таъминлайди. Шунга кўра, ёзувчи услубини сўзга, тилга – улардан фойдаланишдаги ўзига хосликка боғлаб қўйиш ноўриндир. Тўғри, адабиёт – сўз санъати, тил адабиётнинг биринчи элементи бўлса-да, услубни юзага келтирувчи энг зарур омиллардан яна бири – санъаткорнинг ҳаётни, ҳаётнинг моҳиятини, унинг қаъридаги ҳақиқатни тадқиқ ва таҳлил қила билиши билан боғлиқдир. Инсон руҳиятининг бой ва рангин, яширин сирларини, уларнинг туб эстетик қимматини кашф этиш санъати – руҳият билимдонлиги билан бевосита боғлиқдир. Демак, услуб – ёзувчининг воқелик ва инсонни идрок қилиши, уларнинг қалбидаги ҳақиқатни кашф этиши ва уни сўз воситасида образли ифодалай олиши – бу вазифаларни индивидуал («ўзига хос») тарзда яратиш санъатидир(204-205-б.)

Бундай «матн»ларни ўзиники қилиб чоп эттириш – оқибатини ўйламай қилинган ишдир. Ҳозир шундай иллатларнинг олди вақтида олинмаса эртага жуда катта муаммоларнинг болалаб кетишига сабаб бўлади. Негаки, адабиётда – ўз айтар сўзинг ва ўз «мен»инг бўлиши жуда ҳам зарур. Айтиш жозики, Нафосат Ўроқова «Бугунги ўзбек дostonларига хос услубий изланишлар» деб номланган мақоласининг қарийб саксон фоизи бир неча олим ва мунаққидларнинг илмий тадқиқотларидан бевосита кўчирилган. Яъни кўчирилган матн муаллифи кўрсатилмаган. Уни ўз номидан тўғридан-тўғри эълон қилиб юборган. Бу каби масалалар виждони бутун зиёли инсон учун энг катта хатодир.